



ОИТВ кондан конга оркали утиб юкиши Элеонор Турнбулл томонидан тайёрланган

Одам Иммуниетет Танкислик Вируси (ОТТВ) конда ва баданнинг бошка суюкликларида (масалан, уруг ва вагинал суюкликлар) топилган вирус. Ушбу вирус иммуниетет тизимининг кисми булган ва конимизда топилган CD4 хужайраларни хасталайди. CD4 хужайралар ОИТВ борлиги сабабли кучсизланади ва кирилиб ташланади, иммуниетет тизимини одатдай хизмат килишга тускинлик килади ва охир окибат, ОИТВ билан яшаяпган кишиларни касалликларга ва инфекцияларга буйсунишга олиб келади; инсон Одам Иммуниетет Танкислиги Синдромини ишлаб олади. Вирус ташкарида узок яшлай олмайди, шунинг учун, хасталанган одамдан вирусни юктириш учун, ушбу ОИТВга эга булган кон ёки бошка суюклик мунтазам равишда инсон баданига кириши керак. Суюклик оркали таркалган энг асосий хасталаниш йули бу химояланмаган секс деб хисобланади; ушбу маколамизда биз хасталанишни келтирадиган 5-10%гача холатларини, яъни кондан-конга юкиш хакида гапириб утамыз.

ОИТВнинг жуда хатарли юкиш йуллари

Инъекцияланган наркотикдан фойдаланувчилар (ИНФ), кон кабул килувчилар ва гаэмофилиялар кондан конга юкиш хавфига дуч келадиганлар энг асосий гурухини ташкил этадилар. Химояланмаган инъекциялар юкишининг факат 5 % ташкил килса-да¹, хасталаниш битта игнадан еки шприцдан фойдаланиш, ноконуний наркотик ёки тиббий марказда укол кабул килаяпганда оркали руй беради. Дуне хамжамиятини айтишича, одам терини кесувчи игналардан ва бошка инструментлардан булишиб фойдаланганда, ушбу игналар ва шприцлар стерилизация ёки 20 дакика давомида кайнатиш жараёнидан утиши керак². Кестириш, татуировка килдириш, кулогини тешиш, ва акупунктурадан фойдаланиш жараёнлари хам бундай холатларга киради. ОИТВдан сакланиб колишнинг бир йули деб, Халкаро Тиббиёт Ташкилоти (ХТТ) ИНФланри уктириш ва игна-шприцлар ектазиб бериш (яъни, онсон ва бепул стерилизацияланган мосламаларни такдим этиш, ишлатилган шприцларни топшириш ва кайта фойдаланмаслик) дастурларини олдинга суришни тавсия этади.

Хасталанган кон ва кон моддаларининг трансфузияси ОИТВ билан хасталанишни олиб келиши мумкин. Дунёнинг куплаб кисмида хозирги кунда донор килинган конни фойдаланишдан олдин ОИТВга текшириб олинади, аммо куплаб мамлакатларда текширувни утказиш учун бундай имкониятлар йук. Кушимча килиб айтиш керакки, хасталанганликдан хавфи бор кишилар плазма, кон, орган, мато еки уруг топширишдан

¹ Control of Communicable Diseases Manual, 18th Edition.

² Where There is No Doctor, a Village Health Care Handbook for Africa, Ed. Werner, D., Thuman, C., Maxwell, J. & Pearson, A. pp. 75

сакланишлари керак, чунки булар оркали одамларга вирусни юктиришлари ҳам мумкин. Ушбу катъий кон текшируви хозирги кунда куплаб мамлакатларда кон куйиш жараёнини хавфсиз утказишлигини таъминлайди. Шунга карамасдан, ОИТВ билан хасталанганлар ушбу янги конун билан химояланмай қолишди; якинда Хитойда куплаб янги кондан конга юкиш холатлари хабар қилинди. “Экономист” журнали репортерлари хабар қилишларича, эрта 1990 йилларда маҳаллий раҳбарлар камбағалларга узларининг конларини топшириб, ночор ахволларини яхшилашни тавсия қилишган. Одатда хитойликлар кон топшириш билан узлари кучсизланиб қолишади деб уйлайган эдилар; бундай ҳаёлларни қурашиш учун расмийлар кондан факат плазмани олиб, конни қайта донорга қуйишни қурол қилиб олишган эди. Энг ачинарлиси-ки, бутун кон бир жойда тупланар эди, ва қайта донорга қуйилияпган пайтда, у бошқаларни конини ҳам узига қабул қилар эди; текширув ва ОИТВ тестларини йуклиги сабабли, ушбу плазма бизнеси тахминан 55,000 кишини ОИТВ билан юктиришга масъулдир, бу камлик қилгандек, бир провинцияда қушимча 130,000 ушбу конни қабул қилиш оркали инфекцияланган. Ушбу ижтимоий фалокатга жавобан, давлат ҳукумати бундай бизнес юритишни қаттиқ назоратга олиб, бепул анти-ретровирал дориларни хасталанганларга етказиб бермоқда.

ОИТВнинг кам хатарли юкиш йуллари

Тиббиёт ходимлари ОИТВ хасталанган кон билан ишляяпган вақтда, узлари ҳам игна ёки уткир буюм оркали юкишнинг 0.5%лик³ хатарига дуч келишади. Имкониятлар минимал бўлишига карамасдан, куплаб химояланиш усулларидан фойдаланиб, асралиб қолишни қафолатлаш мумкин (масалан, бундай воқеа руй берганда, анти-ОИТС дориларини қабул қилиш).

ОИТВ хасланган киши билан бирга яшаяпганда, Қасалликни Назорат Қилиш ва Олдини Олиш Маркази баъзи химояланиш усулларидан фойдаланиб, кам хатарлик юкиш имкониятларини олдини олишни тавсия этади. Кон, очик яралар, конли диарея (ич кетиш) ёки кон билан қусиш қаби холатлар вирусни тарқалишига олиб келади; шунинг учун, яралар тоза мато ёки бинт билан қопланилиши керак, резина ёки латекс қулқопларидан фойдаланиш ҳам химояни қучайтиради. Қушимча қилиб, қулларни тез-тез ювиб туриш ва кон юкиш холатларидан (масалан, битта устара ёки тиш тозалаш щеткасидан фойдаланиш) четланиш керак.

Ёпик огиз билан упиш (одатий контакт) оркали ОИТВ билан хасталаниш хавфи йук. Очик огиз упиш оркали ОИТВ билан хасталаниш хавфи ҳам жуда кам, чунки бундай холатда кондан конга контакт одатда юз бермайди. Афсуски, сиптоматик ОИТВ кечки огиз яраланиши ва гингивит билан боглик булган қонаяпган милқлар руй бериши мумкин, ва бу холатда ОИТВ билан хасталаниш хавфи қучаяди. Шу уринда, Қасалликни Назорат Қилиш ва Олдини Олиш Маркази 1997 йилда одам тишлаши оркали ОИТВ юкиши юз берганлигидан хабар берди. Қаттиқ травма, қучли мато зарарланиши ва хар бир бундай холатда кон қатнашиши таъқидлаб утилган⁴. Аммо бир вақтнинг узида, тишлаш оркали

³ Control of Communicable Diseases Manual, 18th Edition. Heymann, D.L (2004).

⁴ Blood-to-blood transmission of HIV via bite. *Int Conf AIDS 1996 Jul 7-12; 11:179 (abstract no. Mo.D.1728)*
Liberti T, Lieb S, Scott R, Nolan J, Malecki J, Kalish M, Jaffe H; Department of Health and Rehabilitative Services (HRS) Office of Disease Intervention,

хасталаниш руй бермаслиги хакида маълумотлар ҳам таркалган, шунинг учун тишлаш ҳолати одатда ОИТВ хасталанишига олиб келмайди; ҳар бир воқеа ОИТВ билан хасталанган тахмини орқали қабул қилиниши керак, ва тиббий ёрдам ва текширув утказилиши зарур.

ОИТВнинг афсонавий юкиш йуллари

Москитлар, чивинлар каби кон сурувчи ҳашаротларнинг тишлаши орқали ОИТВ юкиш илмий текширилиб чиқилди; ОИТВ билан хасталанганлар сони қуп булган жойларида ҳам бундай ҳолатлар қайд этилмади, шунинг учун экспертлар ОИТВ ҳашаротлар томонидан тарқалмайди деган хулоса чиқаришди⁵. Бунган сабаб қилиб ҳашаротлар тишлаганда, фақат сулакни баданга киритишади, у эса лубрикант ёки антикоагулант каби ҳаракат қилади ҳолос, бу ҳолатда кон утқазилмайди. Сулак билан малярия ва сарик иситма (безгак) каби касалликни юқтириш мумкин, аммо мунтазам кон контакти булмаганлиги учун, ҳашаротлар тишлаганда, ОИТВ билан хасталаниш ҳавфи тугилмайди. Қушимча қилиб айтиш керакки, ОИТВ қуз ёшда, терда, сийдиқда ва бронхиал чиқилдиларида топилган булса ҳам, бундай йуллар орқали вируснинг юкиши ҳали учрамаган⁶.

Олдини олиш усуллари

Ушбу мақола қандай қилиб соғлом одам қондан қонга ОИТВ билан хасталанишдан сақланиши, ОИТВни олдини олиш асосий усуллари ва инфекциядан химояланиш каби масалалар хакида гапириб утди. Ишлатилишдан олдин, барча қабул қилинган кон ОИТВ анти-баданларга текширилиши керак, стерилизация қилинган игналар ва бошқа утқир инструментлар фақат тиббий аралаштириш керак булган пайтда ва тавсия қилинган ҳолатда ишлатилиши зарур. Асосийси, барча қесувчи инструментлар қойдаланишдан олдин стерилизация қилиниши ва қойдаланиб булган дан кейин, болалар эриша олмайдиған махсус контейнерларда сақланиши керак. ХТТ ва халқаро ташкилотлар қуплаб янги хасталаниш ҳолатларини олдини олишга эришишмоқда: инъекцияланган наркотикдан қойдаланувчиларни (ИНФ) зиёфат қилиш, қойдаланган игналарни алмштириш дастурларини ва янги игналарни тарқатиш каби йуллар орқали. Бундай ҳаракатлар урнатилган ОИТВ, ноқонуний наркотиклар ва химояланмаган секс (ва алоҳида, проституция) циклини синдиришга қаратилган. ОИТВ билан хасталанган ИНФлар проституцияга ва енгил пул топишга узларини тортишлари, ночор ҳолатларини эса онсонлаштириш учун наркотикни қабул қилишлари мумкин. Бундай цикл қуплаб инсон гугуҳларни бирлаштириш ва охир оқибат, мамлақатда ОИТВ билан хасталанганларни сонини қупайишига олиб қелиш эҳтимоли йук эмас. Менинг хулосам шу-ки, ОИТВ қондан қонга тарқалиш ҳолатлари умумий хасталаниш сонининг фақат 5-10 % ташкил этсада, буни эътиборсиз қолдириб ёки унутиб булмайди. Хасталанишнинг қуплаб турлари булгани сабабли, унинг ҳар бир тури билан қурашиш керак; ОИТВ қондан қонга юкишининг ижтимоий ҳолати, ахлоқи ва сиёсий аспекти урганиб чиқиб, тушуниб ва мос равишда узгартирилиши зарурдир.

⁵ Misperceptions about HIV and Its Transmission. In: The Body- The complete HIV/AIDS resource. Centre for Disease Control and Prevention.

⁶ Control of Communicable Diseases Manual, 18th Edition. Heymann, D.L (2004).